Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 7 июнь 1968 йил, жума ◆ № 131 (13.993). ◆ Баҳоси 2 тийин

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1968—1972 йилларда минерал ўғитлар саноатини ривожлантиришни таъминлаш чоралари тўғрисидаги масалани қараб чиқдилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидлаб ўтиладики, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, унинг самарадорлигини ошириш, дон экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш учун, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини доим ошириш учун зарур шартдир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни қайд қилдиларки, минерал ўғитлар саноатининг ривожланиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг эҳтиёжларидан ҳали кейинда қолмоқда. Қурилиш министрликлари, химия, нефтни қайта ишлаш ва нефть-химия саноати, химия ва нефть машинасозлиги министрликлари ўғитлар ишлаб чиқарувчи завод ва цехлар қурилишига етарли даражада эътибор бермаганликлари натижасида ўғит саноатидаги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга туширишни юзасидан 1966—1967 йилларга белгиланган топшириқлар бажарилмай қолди.

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети минерал ўғитлар саноатини ривожлантиришни партия ва ҳукуматнинг мамлакатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун амалга ошираётган тадбирлари системасидаги энг муҳим партиявий ва давлат вазифаларининг бири деб ҳисоблайдилар. Шунга биноан яқин беш йил ичида ўғит ишлаб чиқариш қувватларини 48 миллион тонна кўпайтириш кўзда тутилди. Ўғит саноатидаги ўсишнинг энг юксак суръатларига 1969 ва 1970 йилларда эришилиши керак. Шу йиллар ичида йилига сал кам 13 миллион тонна ўғит ишлаб чиқарадиган янги цех ва заводлар ёки 1966 ва 1967 йилларда ишга туширилганидан ўғт баравар кўп цех ва заводларни ишга туширишга мўлжалланди. Ўғит саноати учун аммиак, олтингугурт, фосфор, апатит, фосфарит концентратлари ва бошқа ҳом ашёлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан тегишли топшириқлар белгиланди. Украина, Белоруссия, Литва, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Ставрополь ўлкаси, Вологда, Пермь, Новгород, Тула, Куйбишев, Москва, Тамбов, Липецк, Смоленск, Киров областларидаги ва Россия Федерациясининг бошқа бир қанча областларидаги минерал ўғитлар саноати қурилишларида катта ҳажмдаги ишларни бажариш керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи саноатни замонавий техника негизида ривожлантириш учун тегишли чоралари белгиладилар. СССР Химия саноати министрлигига, СССР Нефтни қайта ишлаш ва Нефть-химия саноати министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ин. женерлар, техниклар, ишчиларнинг эътиборини ишлаб чиқаришнинг техникавий савиясини оширишга ва, аввало, агрегатлар, технология линиялари ва цехларнинг қувватини йириклаштиришга; саноатда прогрессив технология процессларини жорий қилишга, концентрлаштирилган мураккаб ва аралаш ўғитлар ишлаб чиқаришни илдам ривожлантиришга; ҳом ашёдан комплекс фойдаланиш асосида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш процессларини янада такомиллаштиришга; кон-химиявий ҳом ашёни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш технологиясини такомиллаштиришга қаратиш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида ўғитларнинг

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш, ўғитлардаги озуқа моддалари таркибини яхшилаш, уларнинг физикавий ва механик хоссаларини яхшилаш чоралари кўзда тутилди. СССР Химия саноати министрлигига азот заводларида аммиак селитрасининг физик хоссаларини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ишларни шу йилнинг ўзидаёқ тугаллаш, барча азотли ўғитларни донадор қилиб чиқаришни таъминлайдиган қўшимча тадбирларни яқин вақтлар ичида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги суперфосфат заводларини Қоратов даги кон фосфоритларидан юқори сифатли концентрлашган ўғитлар ишлаб чиқаришга кўчириш учун тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини олиб бориш кўзда тутилди; 1970 йилда суперфосфат заводларининг ҳаммасини донадор ўғитлар ишлаб чиқаришга кўчириш мўлжалланди. Донадор ва йирик кристалл хлорли калий ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мамлакатнинг калий корхоналарида кўп иш қилиниши лозим. СССР химия саноати министрлигига мураккаб-аралаш ва аралаш ўғитлар ишлаб чиқаришнинг янги технология методларини ишлаб чиқиш ва бир қанча заводларда жорий қилиш ҳамда қуруқ ўғитни аралаштиришга яроқли бўлган бирламчи ва мураккаб ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам топширилди.

Мамлакатнинг турли тупроқ зоналарини ўғитларнинг керакли хиллари билан таъминлаш учун СССР Госпланига СССР қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, химия ва нефть машинасозлиги, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрликлари, Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси иштирокида аралаш ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ўғитларни аралаштирувчи установкаларни зарур миқдорда қуриш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шу йилда минерал ўғитлар саноатидаги капитал қурилиш юзасидан берилган топшириқларни сўзсиз бажариш ҳамда келгуси йилдаги ишларга пухта тайёргарлик кўриш зарур эканлигини кўрсатиб, иттифоқ қурилиш министрликлари, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, СССР Газ саноати министрлиги, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг эътиборини шунга жалб этдилар. Қарорда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари қуриш билан шуғулланувчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватини зарур даражада ривожлантиришни кўзда тутган чоралар тасдиқланди. Белгиланган программани бажаришда қатнашаётган министрликлар ва идораларга уларнинг қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватини зарур даражада ривожлантиришни кўзда тутган чоралар тасдиқланди. Белгиланган программани бажаришда қатнашаётган министрликлар ва идораларга уларнинг қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватини зарур даражада ривожлантиришни кўзда тутган чоралар тасдиқланди, уй-жой ва маданий-маиший қурилишга қўшимча маблағлар, шунингдек зарур моддий-техника ресурслари, қурилиш техникаси ва автотранспорт ажратиб берилди.

Ҳажмлари ғоят кенгайиб бораётган ишларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида министрликлар ва идораларга янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш юзасидан оир қанча конкрет топшириқлар белгиланди, лойиҳаларнинг сифатини яхшилаш ва қурилишнинг сметада кўрсатилган қиймати пасайтириш зарур эканлигига эътибор жалб этилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида минерал ўғитлар саноати корхоналари учун технология ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш алоҳида муҳим роль ўйнаши кўрсатилди. Фосфор, азот, фосфор кислотаси, аммиак селитраси, аммофос ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи комплект технология линияларини қурилишларга етказиб бериш тадбирлари белгиланди. Бу топшириқларнинг бажарилиши учун жавобгарлик химия ва нефть машинасозлиги министрлиги, оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги ҳамда Электротехника саноати министрлиги зиммасига юкланди. Улар азотли кислота ишлаб чиқариш учун керакли газотурбина агрегатларини, конхимия саноати учун конвейер транспортни, калий тузларни донадор қиладиган установкаларни, фосфор ишлаб чиқариш учун керакли рудатермик печларни аммиак ишлаб чиқариш учун табиий газни кислородсиз конверсия қиладиган трубасимон комплект печларни ва бошқа замонавий ускуналарни тайёрлаш ва етказиб беришни таъминлашлари лозим.

Қабул қилинган қарорни бажаришда комсомоллар ва ёшлар актив иштирок қилишлари керак. ВЛКСМ Марказий Комитетига минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун қурилаётган корхоналар ҳисобига комсомолнинг Бутуниттифоқ зарбдор қурилишлари рўйхатини кенгайтириш, ёшларни бу қурилишларга комсомол йўлланмалари билан юбориш усулини кенг қўллаш топширилди.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ВЦСПСга қабул қилинган қарорни бажаришда касаба союз ташкилотларини қатнаштириш чораларини ишлаб чиқиш, капитал қурилиш ишлари планларини, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштириш планларини муддатидан илгари бажариш учун корхоналар, қурилиш ва монтаж ташкилотлари, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари коллективларининг социалистик мусобақасини кенг авж олдиришни тавсия эттилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, ўлка ва область партия комитетларига минерал ўғитлар саноати қувватларини кўпайтириш ва улар учун ҳом ашё тайёрлаш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилишини, шу мақсадда ажратилган маблағлар ва моддий-техника ресурсларидан тўғри фойдаланишни мунтазам суратда контроль қилиб туришни таъминлаш топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг эътиборини минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан ғоят юксак суръатлар белгиланганлигига жалб этдилар ва химия корхоналари ва қурилишларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлигида минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи янги саноат корхоналарини қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш соҳасида зўр сабот ва ижодий ғайрат билан ишлайдилар ва бу билан мамлакатимизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш программасининг бажарилишини жуда қисқа муддатларда таъминлайдилар, деб ишонч билдирдилар.

ТАХИАТОШ ГИДРОУЗЕЛИГА ДАСТЛАБКИ БЕТОН ЁТҚИЗИЛДИ

ТАХИАТОШ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоқ деҳқонлари Тахиатош гидроузелини барака дарёси деб атамоқдалар. Бу гапда жон бор. Амударёдан сув оладиган бу қут-барака дарёсининг шарофати катта: Гидроузел суви билан Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области ҳамда Туркманистон ССРнинг чегарадош районларидаги 900 минг гектар ер қониб сув ичади.

Бугун Тахиатош гидроузели тўғонига дастлабки кубометр бетон ётқизишга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингга Тахиатош, Нукус, Хўжайли ҳамда бир қанча районлар меҳнаткашларининг вакиллари тўпланган эдилар.

Шоферлардан А. Крюхин, А. Султонов ағдарма машиналарда пешма-пеш бетон ташиб келтирадилар. Кранчи П. Сивак уларни котлованга узатиб беради. Шундай қилиб гидроузел қурилиши бошланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. Мусаховов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов дастлабки бетон ёқтизиш билан ишчи ва инженер-техник ходимларни муборакбод этдилар.



Беш йиллик вахтасида

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● ИЮНЬ — ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА МУҲИМ ДАВР. АГАР ИШ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСА, ЭНДИ ЭКИН КУНДА БИР ЯШНАЙДИ.

● ҒЎЗАНИ КУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛИШ, ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА СУҒОРИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИНГ.

● ДУЛ ВА СЕЛДАН ЗАРАРЛАНГАН МАЙДОНЛАРДАГИ ЭКИННИ АЛОҲИДА ПАРВАРИШ ҚИЛИБ, НОРМАЛ УСИБ РИВОЖЛАНАЁТГАН ҒЎЗАЛАР ҚАТОРИГА ЕТКАЗИБ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ.

● ҒЎЗАНИ ТЕЗРОҚ ШОНАЛАТИБ ОЛИШГА ЭРИШИНГ.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг деҳқонлари ғўза ва бошқа экинларни намунали парвариш қилишяпти, айниқса суғоришга алоҳида эътибор беришяпти. Суратда: илғор сувчи Аъзам Турғунов 16-звено даласида мактажўхорига сув қўймоқда. А. АБАЛЬЯН фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРДИЛАР

Республика пиллачилари беш йилликнинг учинчи йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Давлатга 17.395,6 тонна —мажбуриятда белгиланганидан 20 тоннадан знёд пилла топширилди.

Фарғона, Бухоро, Наманган, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон Автоном республикаси, кўпчилик районлар, колхозлар ҳамда совхозларнинг пиллачилари мажбуриятларини ошириб бажардилар.

ПАРТИЯВИЙ ИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШГА КАТТА ЭТЪИБОР

Тошкентда министрликлар, идоралар ва марказий муассасалар партия ташкилотлари секретарларининг республика семинари уч кун давом этди. Бу семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уюштирди.

Семинарнинг бешинчи июндаги машғулоти ташкилий-партиявий иш тажрибасини айирбошлашга бағишланди. Бу машғулот «КПСС XXIII съезди бошланғич партия ташкилотларининг роли ва жанговарлик қобилиятини ошириш тўғрисида» деган докладдан бошланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш бўлимининг мудири Г. М. Орлов шу тўғрида доклад қилди.

Партия ташкилотларининг раҳбарлари ўз нутқларида коммунистлар совет муассасалари аппаратининг иш услубини таномиллаштиришга қандай эришаётганликлари ҳақида, давлат интизомига қай тарзда қаттиқ риоя қилинаётганлиги тўғрисида, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари ўз вақтида ҳараб чиқилаётганлиги устидан контроль қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар.

Республика семинарининг қатнашчилари партия ташкилотларининг уставда белгиланган бурчлари ва партия топшириқлари коммунистлар томонидан қандай бажарилаётганлигини контроль қилиш, партия йиғилишларига тайёргарлик ва уларни ўтказиш, касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги тажрибаларини умумлаштирдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов ўз нутқида ташкилий партиявий иш масалалари юзасидан ўтказилган семинарга якун ясади.

Семинарнинг олтинчи июндаги машғулотида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари В. Т. Сизранцев ҳозирги босқичда идеология ишининг баъзи масалалари тўғрисида доклад қилди.

Семинарнинг якунловчи машғулотида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

БЎКА ПАХТАКОРЛАРИ КЕНГАШМОҚДАЛАР

БЎКА (Тошкент области), 6 июнь. (ЎзТАГ). Бўка районининг кўкламги ёғингарчиликдан зарар кўрган пахта майдонларининг бир қисмида ғўза ривожи суст ташиди. Ғўзанинг ривожини жадаллаштириш, давлат планинигина эмас, балки социалистик мажбуриятни ҳам бажариш учун мўл ҳосил етиштириш мақсадида қандай чоралар кўриш керак? 5 июнда Бўка районидаги Ҳамза номли колхозда бўлиб ўтган йиғилиш ана шу масалаларга бағишланди. Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат қаҳрамони Ҳаким Қодиров ғўза парваришини жадаллаштириш соҳасидаги қиммати иш тажрибаларини сўзлаб берди.

Бўка районининг деҳқонлари июнь ойида ғўза қатор ораларини икки марта яхши ишлаб, тўла гектарларга эришиш ва бу йил 77 минг тонна пахта етиштириш учун замин тайёрлашни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ҳурмат тахтаси

Давлатга пилла топириш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар.

Қорақалпоғистон АССР (область партия комитетининг секретари **Х. Камолов**, министрлар Советининг раиси **Р. Айтмурадов**, область комсомол комитетининг секретари **С. Кониёзов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Д. Солиева** ўртоқлар).

Бухоро области (область партия комитетининг секретари **Қ. Муртазоев**, область ижроия комитетининг раиси **Н. Бозоров**, область комсомол комитетининг секретари **С. Авезов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Д. Раҳимов** ўртоқлар).

Хоразм области (область партия комитетининг секретари **М. Худойберганов**, область ижроия комитетининг раиси **Р. Эшчонов**, область комсомол комитетининг секретари **Р. Авезжонова**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Г. Ҳожиева** ўртоқлар).

Фарғона области (область партия комитетининг секретари **Ф. Шамсутдинов**, область ижроия комитетининг раиси **М. Иброҳимов**, область комсомол комитетининг секретари **Йўлдошев**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Б. Ежиов** ўртоқлар).

Наманган области (область партия комитетининг секретари **А. Хўжаев**, область ижроия комитетининг раиси **Ҳ. Холхонов**, область комсомол комитетининг секретари **К. Жўраев**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Н. Қосимов** ўртоқлар).

ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Ўзбекистон рассомларининг IX съезди 6 июнда ўз ишини тамомлади. Республика рассомлар союзи правлениси раиси **Р. Аҳмедовнинг** докладидан юзасидан музокараларда Ўзбекистон халқ рассоми М. Раҳимов, рассомлардан Б. Бобоев, В. Фадеев, А. Аҳмедов, санъатшунослик доктори Л. Ремпель, республика маданият министри В. И. Зоҳидов ва бошқалар қатнашдилар.

Съездда СССР Рассомлар союзи правлениесининг секретари Л. Коротеев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири С. Ш. Шермуҳамедов нутқ сўзладилар.

Съезд қабул қилган резолюция республика рассомларини ўзларининг бутун қобилият ва меҳнатини совет қишлоғига хизмат қилишга бағишлаб замонамиз қаҳрамонининг улуғвор образини яратишга чақирди.

Съезд қатнашчилари республика Рассомлар союзи правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составини сайладилар.

(ЎзТАГ).

Тошкент областининг хўжаликларида ғўза парвариши тобора кучайтириляпти. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг механизаторлари иккинчи культивацияни қизғин давом эттиришяпти. Суратда: экинни икки томонлама культивация қилиш пайти.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

„КУМУШ ТОЛА“ ИЖОДКОРЛАРИ

Бу йил об-ҳаво шароити пиллачилик учун ноқулай келди. Лекин «кумуш тола» ижодкорлари катта ғайрат ва шижоат билан мўл ҳосил етиштирдилар. Ўзбекистон мамлакат тўқимачилик саноатига қариб 17.400 тонна қиммат-баҳо ипак хом ашёси етказиб берди.

Ҳосилнинг нақадар мўл бўлганлигини шундан ҳам билса бўладики, ҳар қути уруғдан республика бўйича ўрта ҳисобда 60,3 килограммдан пилла териб олинди. Ўзбекистон пиллачилари беш йиллиқнинг уч йили мобайнида планга қўшимча равишда 5.000 тонна пилла етиштирдилар.

Республиканинг энг йирик пилла етиштирувчи области бўлган Фарғона пиллачилари айниқса яхши меҳнат қилишди. Улар давлатга 4.298 тонна пилла топширишди.

Сурхондарё областининг пиллачилари план бажарилганлиги ҳақида республикада биринчи бўлиб ғалаба рапорти берган эдилар. Улар социалистик мажбуриятларини ҳам бажарганликларини катта қувонч билан маълум қилдилар.

Бухоро областининг хўжаликлари пилла тайёрлаш планини 107 процент, Наманган областининг хўжаликлари 115 процент, Хоразм областининг хўжаликлари 109 процент, Андижон областининг хўжаликлари 102 процент, Қашқадарё областининг хўжаликлари 103,6 процент ва Қорақалпоғистон Автоном республикасининг хўжаликлари 103 процент адо этдилар.

Андижон областининг пиллачилари ипак қуртини марказлаштирган усулда боқишга ўтиб, агротехниканинг прогрессив усулларини кенг қўлландилар. Бу қувончли натижа берди. Андижонлик «кумуш тола» ижодкорлари ҳар қути уруғдан 64 килограммдан пилла олишди.

Республика пиллачилари эришган меҳнат ғалабасида машҳур пиллачиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхознинг донгдор пиллачиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Холматова уч қути уруғнинг ҳар қутисидан 126 килограммдан, Ленинград районидаги Карл Маркс номли колхознинг машҳур пиллачиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати О. Султонова ҳар қути уруғдан 125 килограммдан, Қува районидаги Жданов номли колхоздан И. Қаюмова, Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозидан Ш. Жўраева, Ленин районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Х. Сайфутдинова ва бошқа кўпгина илғор пиллачилар ҳар қути уруғдан 100-120 килограммдан пилла олдилар. Етиштирилган мўл ҳосил — республикамиз пиллачилари тўплаган бой тажриба ва улар юксак маҳоратининг натижасидир. Деҳқонлар тут баргини тезроқ ўстириш мақсадида тутзорларни суғордилар, ўғит солдилар, суғориш тармоқлари ва йўлларнинг четидаги тут дарахтларининг тагини юмшатдилар, прогрессив агротехникани ва қурт боқишнинг тезкор усулларини дадил қўлландилар.

Республикамиз пиллачилари мажбурият муваффақиятли адо этилган бугунги кунда ўзларига яқиндан ёрдам ва қимматли маслаҳатлар берганликлари учун Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимларига, Тошкент қишлоқ хўжалик институти ипакчилик ва тутчилик кафедрасининг ходимларига миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Қурт уруғининг юқори сифатли бўлганлиги ҳам пилла тайёрлаш плани ва олинган мажбуриятнинг муддатидан илгари ошириб бажарилишида алоҳида роль ўйнади.

Кейинги йилларда пиллачиликнинг озуқа базаси анча кенгайди ва мустаҳкамланди. Республикада 8 минг гектардан кўпроқ майдонда янги тутзорлар барпо этилди. Суғориладиган экин майдонлари ва йўлларнинг ёқасига 70 миллион тупдан знёд тут кўчати ўтказилди.

План ва мажбурият анча ошириб бажарилган бўлса ҳам, тайёрлов пунктларига беш йиллиқнинг учинчи йилида етиштирилган пилла ҳосилини топшириш давом этмоқда.

Э. ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ипакчилик бош бошқармасининг бошлиғи.

СУРХОНДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ОБЪЕКТЛАРИДА



Шеробод магистрал канали Сурхондарё областида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга имкон берадиган улкан ирригация иншоотларидан бири ҳисобланади. Магистрал каналда қудратли насос станциялари барпо этилмоқда. Бундай насослардан жами 6 таси ўрнатилади. Улар ҳар секундда 100 кубометр сувни 27 метр баландликка кўтариб беради. Ҳозир дастлабки насос ишламоқда. Станцияда пардозлаш ишлари тугалланай деб қолди. Суратларда: чапда — Шеробод насос станцияси. Ўнгда — қурилиш ишларини тезлаштириш ташаббускорларидан бири, участка бошлиғи, комсомол аъзоси Анатолий Раззаренов.

И. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИ

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи — «Шарқ юлдузи»нинг 5-сони босмадан чиқди. Журналнинг бу сонида атоқли ёзувчи марҳум Абдулла Қаҳҳорнинг «Муҳаббат» қиссаси босилган. Ўзбекистон халқ шоири, Жавоҳарлаъл Неру мукофотининг лауреати Зулфиянинг янги шеърлари, ёзувчи Шуҳратнинг «Жаннат қидирганлар» романининг давоми, Мамарасул Бобоевнинг янги шеърлари, Султон Қўқонбековнинг «Ғулимга мактублар» достони, ёш шоир Ҳайриддин Салоҳиннинг шеърлари, Р. Сахибоевнинг «Улуғ гений ва чин инсон», Саид Шермуҳаммедовнинг «Марксизм-ленинизм хулқ-ахлоқ камолоти ҳақида» мақолалари ўрин олган.

Журналнинг «Ҳаёт ва адабиёт» бўлимида Тўхта Бобоевнинг «Қаҳрамон қандай бўлиши керак?», адабиётимизнинг отахонларидан шоир Ғафур Ғуломнинг «Навоий ва замонамиз» деган мақоласи эълон қилинган. Босит Мусаев «Амир Хисрав Деҳлавий ва Алишер Навоий, Фатҳиддин Насриддинов «Маҳорат «сир»лари», Таҳмаз Ҳамидов «Зайнилобиддин Марағаий»сарлавҳали тақриз ва мақолалари билан қатнашганлар.

ШОН-ШУҲРАТ ЙЎЛЛАРИДАН

Қашқадарё область комсомол комитети Ленин комсомолининг 50 йиллиги юбилейига бағишлаб революцион жанговар меҳнат ва шон-шуҳрат йўллари бўйлаб мото-велосипедчиларнинг уч кунлик сафарини уюштирди.

Походда студентлар, мактаб ўқувчилари, спортчилар иштирок этди. Шаҳрисабздан — Қарши шаҳригача бўлган масофада поход қатнашчилари революция ва меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашдилар. Биринчи механизатор қиз, оташин комсомол Анзура Жўраеванинг ёрқин хотирасини ҳурмат билан эсладилар.

Ғузор район марказида поход қатнашчилари гражданлар урушининг қаҳрамони Майна Ҳасанова ҳайкали ёнида бўлдилар.

П. ГАДОЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИ МИНБАРИ

ЁШ КОММУНИСТЛАР

Район партия комитетининг бюроси кетяпти. Яхши ният билан келган ишлаб чиқариш байроқдорлари шонли партия сафига қабул қилинганликларидан беҳад шодланиб, хонадан бирин-кетин чиқишяпти. Мана, ўрта бўй, буғдой ранг, нозиккина қиз ҳам ийманибгина хонага кириб келди-да, бюро аъзолари ўтирган стол қаршисига қўйилган стулга ўтирди. Партком секретари ўтирганларга бу қизнинг кимлигини таништиргач, унга саволлар беришди.

— Партия аъзосининг вазифалари нималардан иборат?

— Партия аъзосининг вазифаси: коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун қураш олиб бориш, меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳамма прогрессив нарсанинг ташаббускори бўлиб чиқиш, илғор тажрибани қувватлаш ва ёйиш. Ватанимиз қудрати ва равнақининг негизи бўлган ижтимоий, социалистик мулкни сақлаш ва кўпайтиришдан иборат...

Бу қиз ҳам хонадан хурсанд бўлиб чиқди. Ташқарида кутиб турган дугоналари уни партия аъзолигига кандидат бўлганлиги билан кизғин табрикладилар.

У ким дерсиз? Мен Беғамой Эргашева ҳақида гапиряпман. У совхознинг 5-бўлимидаги Қўйли Жўмуродов мудир бўлган сут-товар феермасида илғор соғувчи бўлиб ишлайди. Беғамойнинг КПСС аъзолиги кандидатлигига қабул қилинганига кўп бўлгани йўқ. Мен яқинда унинг иши билан танишдим. У ўз сўзига амал қилаётир. Иш унумини кун сайин кўтармоқда. Қисқача, меҳнатда коммунистга хос жасорат кўрсатяпти. У ўзига биркитилган сигирларнинг ҳар биридан ўтган йили 1200 килограммдан сут соғиб олган эди. Бу йил бу рақамни ҳеч бўлмаганда 1400 килограммга етказиш учун ҳаракат қиляпти.

Беғамой билан партия аъзолиги кандидатлигига қабул қилинган Салвар Ражабова, Салқин Жалилова, Шарофат Муртазоевалар ҳам сутнинг кўпайтириш учун чинакамига қайғуряптилар. Ўз касбдошларига ўрнак бўляптилар.

Совхозимиз партия комитети ҳисобида 160 дан зиёд партия аъзоси ва кандидат бор. Уларнинг 40 га яқини ёш коммунистлар. Уларнинг ҳаммаси ҳам меҳнат унумдорлигини оширишда ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Ёш коммунистлардан Жўра Қўчқоров 3-бўлимда янги ташкил этилган бригадага бошчилик қилаётир. Бригада аъзолари 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта етиштириш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаб ишламоқдалар. Эшқувват Файзиев 5-бўлимнинг қорамолини боқмоқда. Парвариш яхши уюштирилганлиги туфайли жониворлар кун сайин этларига эт қўшяпти. Дизелчи Мавлон Рўзиқулов, шофёр Элчи Эшонқулов, ишчи Софя Қувватовалар ҳам меҳнатда барчага намуна кўрсатяпти.

Совхозимиз партия комитети ёш коммунистлар билан ишлашга алоҳида эътибор беради. Партия йиғилишларида вақтивақти билан ёш коммунистлар билан қандай иш олиб борилаётганлиги, партия топшириғи қандай бажарилаётганлигини мўҳокама килиб турамиз. Шуниси қувончлики, барча ёш коммунистлар ўзларига топширилган вазифани чуқур ҳис этиб, уни ўз вақтида бажаришади. Ёш коммунистлар ҳисобига совхоз коммунистларининг сони йил сайин ошиб бораётир. Агар ўтган йили 11 илғор киши КПСС аъзолигига кирган бўлса, шу йилнинг ўтган ойлари ичида 8 киши партияга қабул қилинди.

Совхоз меҳнаткашлари давлатга 332 тоннадан зиёд сут топшириб, йиллик планни ортиғи билан бажаришди. Тухум топшириш ва бошқа маҳсулот турларини тайёрлаш соҳасида ҳам яхши натижалар қўлга киритиляпти. Совхозимиз пахтакорлари 1700 гектар, галлакорларимиз 10 минг гектардан зиёд экинзорда жавлон уриб меҳнат қилишяпти. Ёш коммунистлар эса бу ишда доимо олдинги safda.

Д. АВАЗОВ, Қашқадарё областидаги Киров номли совхоз партия комитетининг секретари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ 50

БОҚИЙ УМР

Халқда шундай нақл бор: умрни оқиб ўтган сув, дейдилар. Лекин шундай умр ҳам бўладики, у ўз оқимида ирмоқлардан, дарёлардан ошиб ҳаёт денгизига қуйилади, ҳар қатраси шу денгизга бир жаҳон бойлик тўкади. Бу ўринда ўткир талант эгаси, ҳаёт кўлами ва инсон жасоратининг жарчиси шоир ва журналист Мақсуд Шайхзоданинг шу мисралари ёдимга келади:

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир.
Ўлимлар бўладики,
Ўлган одам тиригидир.

Жамиятга, халққа садоқат кўрсатиб, толмас меҳнати, инсонийлиги билан ҳаётида бирор мерос қолдирган киши — мангулик ворисидир.

Ўзбек совет журналистикасининг отахонларидан Аъзам Аюпов ана шу ўлмас сиймолардандир. У революцион ўзғаришлар, кескин бурилишлар юз бераётган шиддатли кезларда қўлга қалам олганлардан.

Аъзам Аюпов 1904 йилда Тошкент шаҳрида маърифатли оилада туғилди. Эски усулдаги мактабда билим ола бошлаган Аъзам Аюпов Октябрь инқилобидан кейин рус тилида очилган янги усулдаги мактабда ўқийди: ёшлик чоғларидаёқ ота-онадан ажралгач, рўзғор ташвиши. гўдак укаларини моддий жиҳатдан таъминлаш ташвиши унга ўқишни давом эттириш имконини бермади. 15 ёшидаёқ ўз фаолиятини «Турон» кутубхонасида китоб тарқатувчиликдан бошлади.

1919 йилнинг охирларида «Иштирокиюн» («Коммунист») газетасига корректор бўлиб ишга киради. У пайтда редакцияда аҳвол ниҳоятда оғир эди, беш кишидан иборат газета коллективи барча ишларни бажарарди. Вазиятнинг мушкуллиги бошқа ходимлар сингари Аъзам Аюповга ҳам газета тарқатиш, корректорлик. техредакторлик, шаҳар бўйлаб информациялар тўплаш сингари вазифаларни бажаришга тўғри келди.

Аввало қўлга қалам олмоқ учун ўша давр руҳини, социалижтимоий шароитнинг йўналиш жараённни, янгилик билан эскилик ўртасида кетаётган кескин ва қатъий кураш моҳиятини, халқ толеида акс этаётган истиқбол режаларини, унинг қалбида исён кўтараётган мақсадларини чуқур англамоқ зарур эди. Аъзам Аюпов онгли курашчи сифатида даврнинг мана шу талабларини тўғри тушунганлиги унинг ижодидан равшан билиниб турибди. У тиргак ўткир қаламини қўлга олган инқилобий йиллардан бошлаб то умрининг охирига қадар Коммунистик партия ғояларининг агитатори бўлиб хизмат қилди. ихлос ва умид билан қалам тебратди. ўз халқининг маз-мунан бой ҳаётига ҳамоҳанг садо берувчи асарлар яратди. эскирган, чириган нарсаларни мусаффо ҳаётимиздан улоқтириб ташлаш учун курашувчилар билан бир сафда борди.

У яратган нарсалар ҳадсиз ва чексиздир. Ақли, зиёси-ла йўғрилган бош мақолаларидан тортиб, очерк, ҳикояларигача, сиёсий ва халқаро темалардаги материалларигача, танқид-тақриз, ҳажвия ҳамда фельетонларигача ҳаммаси йиғилса бир неча том бўлар эди. Унинг 1925—1930 йилларда матбуотда эълон қилинган «Ким кулди-ю, ким йиғлади», «Янги турмуш маконлари», «Бугунги Бухоро», «Ўтмишнинг сояси», «Оламнинг томига саёҳат», «У қув ва бу қун», «Қураш», «Уликлар» ва бошқа ўнлаб ҳикоя ва публицистик мақолаларида ўша давр нафаси, революцион курашчиларнинг гетик, енгувчан руҳи, ҳисси, совет кишиларида ўсаётган маънавий гўзаллик, чуқур ватанпарварлик туйғулари акс этгандир.

1927 йилнинг баҳори эди. Мен Марғилондаги болалар уйида тарбияланаётган кезларимда мураббийимиз Зуҳриддин Ҳасанов бир группа ўспиринларни тўплаб, «Қизил Ўзбекистон»да босилган бир мақолани бизларга ўқиб берган эди. Бу мақоланинг номи — «Тумор». У мақалда мақола сарлавҳасининг маъносига тушунолмагандим.

Аъзам Аюпов ижодини ўрганарканман, шу мақолани топиб ўқидим. Эсдалик тарзида ёзилган бу мақола «Қизил Ўзбекистон»нинг 1927 йил 1 май сонида босилган эди. Мақола Ўзбекистонда биринчи бор ишга туширилган Бўзсув гидроэлектростанциясига бағишланган. Бу нурхона янги канал ўртасига тақилган, муаллиф шунинг учун ҳам уни «тумор» деб атаган экан.

У шу тўнғич қурилишнинг ишга туширилиши тантанасида қатнашган, кишилар оқимосида янгидан туғилаётган интилишларни, ишонч ва ҳаваларни кўради. Уларнинг меҳнати социалистик қурилиш суръатларида мавж ураётганлигини тўлқинланиб ҳикоя қилади. Бироқ бу йирик корхонада хизмат қилаётганлар орасида ўзбек хотин-қизларидан бирор киши йўқлигидан афсусланади: «Қани энди, — деб ёзади автор, — мусаффо Бўзсувнинг ғуборсиз зарраларини эмаётган одамлар орасида хотин-қизлар ҳам бўлса!».

У аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этишни тарихий тараққиётнинг йўналишида энг муҳим вазифалардан деб билади. Унинг умид-орзулари аллақачонлар ҳаддан зиёд рўёбга чиққанлиги ҳақида баҳс очмасак ҳам бўлади.

У қалби нурафшон бўлгани учун ҳам кўз ўнгида ўсиб-улгаяётган диёрнинг муваффақиятларидан беҳад қувонади. социалистик тузум кишиларга нималар бераётганидан мамнун бўлиб. ўз ижодида шуларни акс эттиришга интилади ва буни гражданлик бурчи. деб англайди. Унинг публицистик мақолаларида баҳс этилган фикрларнинг саринлиги. фахр ва севинчга тўлалилиги билан кишиларга завқ беради.

«Чирчиқда азамат қурилишлар» («Қизил Ўзбекистон», 1932 йил 24 ноябрь) сарлавҳали мақола янги беш йилликнинг тўнғич саноат гигантларидан бири — химия комбинати қурилишига бағишлангандир.

Автор қад кўтараётган биноларнинг пештоқларига умид билан разм солади, ям-яшил ғиёбонларни кўради, нурга чўмган кўчаларни сайр этади, янги кишининг, бунёдкор кишининг ҳуснига қизиқиб боқади ва ниҳоят Чирчиқнинг келажаги ҳақида шуларни баён этади:

«Ҳали Чирчиқ суви кўп жойдан бўғилажак. Унинг бағрида ҳайбатли заводларнинг кўкка бўй чўзган минорасимон чўққилари узоқ-узоқлардан кўринибтуражак. Чирчиқ сувларининг бутун қучи социализмга хизмат қилажак».

У газета учун туғилган эди. Бўлмасам, бутун умрини кеча демай, кундуз демай редакцияда ўтказармиди. У газета ишининг нозик, сермашаққат ҳамма ғомонларини яхши биларди. Масъул секретарь сифатида газетанинг ҳар бир сонига сайқал берарди, мухбир каби шаҳар ва қишлоқларни кезарди, рассом бўлиб ҳаётдаги энг яхши нарсаларни суратга оларди, журналист бўлгани сабабли ҳамма жанрларда мазмундор мақолалар ёзарди. зарурият туғилиб қолса босмахонага тушарди-да. газетани верстка қиларди, чиройли сарлавҳалар йиғарди.

Аъзам Аюпов қаламга олган темалар хилма-хиллиги жиҳатдан бошқа журналистларга қиёс қилганда, ҳақиқатан ранго-ранг, кўп қиррали ва мазмунлидир. У совет Шарқида. чет элларда юз бераётган воқеаларга, Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати жаҳонда кучли таъсир кўрсатганини зийраклик ва ҳозиржавоблик билан сеза олди. «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон» газеталарида, «Ер юзи», «Гулистон» журналларида халқаро масалалар юзасидан бир қанча йирик мақолалар ёзди.

«Ер юзи» журналининг 1927 йил 11-сонида босилган «Қандай сукут» номли мақолада Октябрь инқилобининг қудратли таъсири остида бутун жаҳон ларзага келганлиги, мазлум халқлар тақдирида озодлик, эркинлик томон кескин бурилиш юз берганлиги. зулм, алам дунёсининг офаткорлари — капиталистлар, феодаллар қаттиқ зарбага учраганликлари таъкидланади.

Жаҳон империализми қаттиқ кризис даврини бошидан кечираётган бир вақтда — 1931 йилнинг август ва 1932 йилнинг ноябрь ойларида Аъзам Аюпов «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Девпечак». «Тараққиётнинг капиталистик даврини четлаб» номли публицистик мақолалар билан чиқди. Ҳар икки мақолада Ўрта Осиёдаги кўп миллатли халқларнинг капитализмни четлаб ўтиб, Россиянинг бевосита ёрдами ва кўмаги билан социалистик қурилиш йўлига тушиб олганликлари, жумладан феодализм исканжасида инграган Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти йилларида юксалиш, ривожланишнинг бирдан-бир социалистик йўлидан бориб, тарихан қисқа вақт ичида катта ғалабаларга эришганлиги таъкидланади.

Мақолаларга қўйилган сарлавҳаларнинг мазмуни мантиқан кучли ифодаларга эга бўлиши сўз санъаткорининг маҳоратини кўрсатади. Унинг кўпдан-кўп мақолаларга қўйган сарлавҳалари ҳали-ҳали эсимизда: «Раҳна», «Орзув», «Тумор», «Артистнинг тили», «Бахиллик», «Бойларнинг жаннати», «Давон ошиқ», «Эркинлик йўлдошлари», «Қандай сукут», «Сўлақ,» «Фарғонанинг қувончи», «Меҳр гўла қалб», «Ҳаёт тўлқини», «Нур дарёси» ва шу каби сарлавҳалар дарҳақиқат жарангдор, мафтункордир.

Гарчи, 1920—1925 йилларда ўзбек совет матбуотида илмий, адабий ва саҳна асарларига, китоб, рисолаларга баъзан қисқа изоҳлар берилса ҳам йирик танқидий тақризлар босилмасди. Чунки у вақтларда ўзбек совет адабиёти ва журналистикасида бу жанр муқаррар ўрин олмаган эди. 1925—1935 йилларда бу соҳага дадил қўл урилди. Тақризчилик сиёсий, илмий, адабий, иқтисодий асарларни, кинофильмлар, театр постановкаларини пропаганда қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Шу жанрда катта ишонч билан ёза бошлаганлардан бири ҳам Аъзам Аюповдир. У тақризчиликнинг ҳамма турларида икки юзга яқин катта, кичик мақолалар ёзди.

У тақризчилик соҳасидаги ижодини социалистик реализм принциплари билан суғора олди, сиёсий, бадиий ибораларвоситаси-ла асарда илгари сурилган масалаларнинг моҳиятини. гипик характерларни, тўқнашувларни, сюжет, маъноларни ўқувчи кўз олдида ёрқин акс эттира билди. Унинг «Тарих тилга кирди», «Саҳнадаги қаҳрамон», «Артистнинг гили», «Қураш», «Чапаев». «Хабарчиликдан адабиётчиликка», «Кўзларимиз қуруқ, ўқ дориларимиз ҳам» «Москва чорлайди», «Ниқоб йиртилди», «Зарарли асар» сарлавҳали ва бошқа тақризлари таҳлил ва хулосаларга бойдир.

Аъзам Аюпов фаолиятида катта ўрин олган таржимонлик шуни кўрсатадики, унинг таланти кўп қиррали ва ўзига хос маҳорат ва истеъдоднинг намунасидир. У биринчилар қаторида марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, прогрессив руҳдаги рус, француз ва бошқа машҳур ёзувчилар, драматурглар, фельетончилар, масалчиларнинг ноёб асарларини, ҳикоя, эртак ва ҳажвияларини ўзбек тилига таржима қилишда кўп куч сарф қилди. Бундай саҳоватли улуғ ишга қўл уриш ўша даврларда, шу жиҳатдан ҳам муҳим эдики, ўзбеклар ҳали ўз она тилларида илмий коммунизм ҳақидаги таълимотга доир асарлардан йириқроғини олмаган, шунингдек, жаҳон маданияти меросининг бой ва нафис дурдоналаридан етарлича баҳраманд бўлмаган эдилар.

В. И. Ленининг биринчи олти томлик асарлар тўплами рус тилида нашр этилиши билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уни ўзбек тилига таржима қилиш учун махсус комиссия тузди. Бу вазифа республикамизнинг атоқли журналистлари — «Қизил Ўзбекистон» газетасининг дастлабки муҳаррирлари, масъул ходимлари зиммасига юклатилди. Акмал Икромов, Муҳаммад Ҳасанов. Аъзам Аюпов, Қосим Сорокин. Сайидгани Валиев. Вали Галламов бу масъулиятли вазифани жуда оғир шароитда ижро эгдилар. Шубҳасиз, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини биринчилардан бўлиб. ўз она тилларида меҳнаткашларга тақдим этган, ўз ижодий изланишлари. сиёсий оптимистик фаолиятлари билан республикамизда идеология иши ривожига илк бор ҳисса қўшган дастлабки таржимон. таҳрирчи пропагандистларни тарих ҳеч вақт унутмайди.

Республикамизда журналист-таржимон кадрлар етиштиришда Аъзам Аюповнинг хизматлари катта. Марксизм-ленинизм классикларининг жуда кўп асарларини, Ленин асарлари тўпламларининг деярли кўпини, партия ва ҳукуматимизнинг жуда муҳим ҳужжатларини, КПСС съездлари ва конференцияларининг резолюциялари тўпламларини. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тарихига оид бир қанча материалларни таржима ва таҳрир этишда катта хизматлар қилган истеъдодли журналистлар Рустам Абдураҳмонов. Насибулла Хабибуллаев. Шариф Толипов. Шербек Алиев ва бошқалар Аъзам Аюпов кўмагида тахсил топган таржимонлардир.

Мен Аъзам Аюповнинг нозик ҳис-туйғуларга бой сиймосини кўз олдимга келтирганимда, жарангдор. мафтункор сўзларини эслаганимда, руҳан ва маънавий етуликка, инсонийликка ундовчи публицистик мақолаларини ўқиганимда уни партия ва халқнинг севимли фарзанди сифатида мангуликка тенг журналист, адиб деб биламан.

Холбек ЁДГОРОВ.

ТУИХАТ

ҚУТЛОВ

З. И. Инъомжонов йиллар оша республикамизда совет ҳуқуқшунослигини ривожлантиришга, унинг етук соҳибларини тарбиялашга самарали ҳисса қўшиб келаётган этилларимиздандир. У О. Э. Эшонов Ш. З. Ўразаев, А. А. Аъзамхўжаев, М. Х. Ҳакимов ҳамда марҳум академик Х. С. Сулаймонова сингари таниқли олим, давлат ва жамоат арбобларининг устозидир.

Меҳнатсевар олим Советларга сайлов ҳуқуқи ва сайлов системаси, социалистик давлатнинг ривожланиш йўллари, шунингдек буржуа мамлакатларининг давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқнга оид катор илмий-назарий мақола ва монографияларнинг муаллифидир.

З. И. Инъомжонов актив жамоатчи ҳамдир. У кенг жамоатчилик фаолиятини 1948 йилда Ўзбекистонда «Билим» жамиятининг давлат ва ҳуқуқ секторини тузишда актив иштирок этишдан бошлаган. Мана, 20 йил дирки, республикада социалистик ҳуқуқни кенг пропаганда қилиш йўлида шуғулланиб келмоқда. Тажрибали тарғиботчини республиканинг корхона ва муассасаларида, дам олиш уйлари ва санаторийларда лекция ўқиётганида кўп учратамиз.

Камтарин ва талабчан педагог 1930 йилдан 1935 йилгача Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг секретари, кейинги йилларда эса, ҳуқуқшунос ва совет қурилиши институтининг директори ҳамда кафедра мудири вазифаларида ишлаб келди. Рус ва ўзбек студентларига буржуа мамлакатларининг давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқидан дарс берди. Кўплаб шогирдларининг илмий ишларига раҳбарлик ва аппонентлик қилди.

Толмас устоз ҳозир В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши кафедрасининг доцентидир.

Олтмиш ёш.., Лекин ҳали устознинг ёшлардек ғайрат шижоати, ташвишлари ва қувончлари бор. Инсонга қарийб 40 йил илму урфон, саодат улашган, ёшлар кўзига зиё берган жонкуяр устозга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

ИКАР ЕР БИЛАН ТЎҚНАШАДИМИ?

Редакциямизга «Икар Ер билан тўқнаш адими?», шу ҳакда маълумот берсангиз деган мазмундаги хатлар келиб турибди. Шу муносабат билан «Правда» мухбири П. Штернберг номли давлат астрономия институтининг директори, физика математика фанлари доктори Д. Мартиновга мурожаат қилиб бир қанча саволларга жавоб беришни илтимос қилди:

<> <> <> <>

— ИКАР АСТЕРОИДИ ҲАҚИДА БАТАФСИЛРОҚ СЎЗЛАБ БЕРСАНГИЗ?

— Бу астероидни Америка астрономи Бааде 1949 йилнинг июнь ойида кашф этган эди. Олим само юлдузларини телескоп ёрдамида суратга олиб синчиклаб қарасаки, осмонда тез учиб кетаётган номалум жисмнинг изини кўриб қолди. Шундан сўнг бир неча кун мобайнида у яна икки бор ана шу изларни суратга туширди. Шундай қилиб. астероиднинг орбитасини ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлиб қолди. Орбита чўзинчоқроқ экан. Чунки астероид бошқа планеталарга нисбатан Қуёшга анча яқинлашиб беради. Шу боисдан ҳам астрономлар уни Икар деб аташди. Ана шу тадқиқотлардан сўнг маълум бўлдики, Икар ер ҳаракати юзасини унинг орбитаси яқинида кесиб ўтар экан. Бу ҳол ҳар 19 йилда бир марта содир бўлади.

Маълумки, ҳозир Икарга ўхшаш 2 минг астероид ёки кичик планета маълум. Булар сонини яна ҳам кўпайтириш мумкин эди. Лекин ростини айтсак, бу иш астрономларнинг «меъдасига тенкан». Шунинг учун ҳам улар янги астероидларни атайлаб қидиришмаяпти. Кичик планеталарнинг кўпчилиги ердан 100 миллионлаб километр наридан ўтади. Уларнинг баъзиларигна ерга бир неча миллион километр яқинлашади. Ана шу астероидлардан бири — Гермес 1937 йилда ердан 580 минг километр наридан ўтган эди. Бу, Ердан Ойгача бўлган масофадан бир ярим баравар кўпдир. Лекин бу ҳодисадан фақат астрономларгина воқиф бўлишган.

— ОЛИМЛАР ИКАР ОРБИТАСИНИ ҚАЙТАДАН ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШГАН ЭМИШ. БУНДАН МУРОД НИМА?

— Ҳамма гап шундаки, ҳар бир осмон жисмининг ҳаракатига планеталар таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир кўп жиҳатдан уларнинг массасига боғлиқ. Сўнгги йилларда космик аппаратлар учирилиб тадқиқотлар ўтказилиши натижасида планеталар массасини анниқроқ ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам астероидлар ҳаракатининг геометриясига тааллуқли маълумотлар аниқлаб чиқилди. Илгари бу ишни бажариш учун кўп йиллар керак бўлур эди. Ҳозир эса электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида кичик планетанинг орбитасини бир неча ой мобайнида ҳисоблаб чиқса бўлади. Икар орбитасини Америка олимлари ҳамда СССР Фанлар академияси Назарий астрономия институтининг ходимлари бир ҳафтда ҳисоблаб чиқдилар. Ҳисоб-китобларнинг натижасига кўра шу йил 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси тун ярмидан оқканда (Москва вақти билан) Икар ерга 1 миллион 400 километр яқинлашади. Шундан кейин ердан узоқлашиб, трассаси бўйлаб «саёҳати»ни давом эттиради.

— ИКАР ЕРГА БИРОН — БИР ТАЪСИР УТКАЗА ОЛАДИМИ?

— Бу таъсирни кўз илғамайди, десам тўғрироқ бўлар. Ҳар қалай бу таъсирни ҳеч ким сезмайди. Ҳар бир катта планета ерга Икарга қараганда кўпроқ таъсир ўтказади. Агар мабодо Икар ер билан тўқнашган тақдирда ҳам, бу фақат муайян бир жойдаги ҳодиса бўлиб қолаверади. Икарнинг диаметри 1,5 километрга баробар. Уни бир қаттароқ қояга қиёс этсан бўлади. Тасаввур қилинг, ана шу қоя океанга қуласа нима бўлади? Бунинг оқибатида тўлқинлар 100-120 километр атрофга куч билан отилиши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Икар Ер билан тўқнашади деган ғапларнинг илмий асоси йўқ.

— АСТРОНОМЛАР ИКАРНИНГ УЧИШИНИ КУЗАТАДИЛАРМИ?

— Ҳа, биз кузатувларга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Катта телескоплар ёрдамида текширувлар бошланди. Бу кузатув катта илмий аҳамиятга эга. Маълумки, Икар бошқа планеталар ён-веридан учиб ўтади. Деман, Икарнинг орбитаси ўзгаришига қараб ана шу планеталарнинг массасини аниқроқ ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бундан ташқари, Икар нисбийлик умумий назариясининг эффектларидан бирини текшириб кўриш учун ноёб объектдир. Эҳтимолки, Қуёш иссиқлиги таъсири остида астероиднинг ялтирашини ҳам кузатиш мумкин бўлиб қолар.

Афсуски, оддий оптик приборлар ёрдамида ҳам, шундоқ ҳам Икарни кўриб бўлмайди. Чунки у жуда ҳам кичкина планетадир.

— ҲАРҚАЛАЙ, АСТРОНОМЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИДА ВА ЭЛЕКТРОН МАШИНА ИШИДА БИРОН-БИР ҚАЛТИС ХАТО ЎТИБ КЕТМАДИМИКИН?

— Албатта, жузъий камчиликлар бўлиши мумкин, Икар ер юзасидан ҳисоблаб кўрсатилганидек 1 миллион 400 минг километр наридан эмас, 1 миллион 300 минг километр наридан учиб ўтиши мумкин. Лекин бунинг сира аҳамияти йўқ-ку!?

«ПРАВДА»дан.

ЎЗТАГ—50 ЁШДА

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ғ. НАЖИМОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг директори.

<> <>

Шу йилнинг бошларида мамлакатимиз меҳнат аҳли Совет Иттифоқи Телеграф Агентлигининг ярим асрлик тўйини катта тантана билан нишонлади. КПСС Марказий Комитетининг юбилярга юборган табрикномасида мамлакатимиз Телеграф Агентлиги (ТАСС)нинг совет халқлари ва бутун жаҳон жамоатчилигига Советлар мамлакатининг кўп қиррали кундалик ҳаёти, чет эллардаги энг муҳим воқеалар ҳақида энг тўғри, ҳаққоний маълумот берувчи ахборот органи эканлиги таъкидланди. ТАСС ахборотларидан бутун жаҳон аҳли биринчи беш йиллик қаҳрамонларининг, қишлоқларни социалистик асосда қайта қурувчи марду-майдонларнинг жасоратини эшитди. Ватан ҳимоячиларининг, космосни забт этувчиларнинг мангу жасоратидан хабардор бўлди.

Биринчи совет информацион агентлигининг ярим аср мобайнидаги бутун фаолияти давлатимиз тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ярим асрдирки, бу ахборот органи партия ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. ТАССни ҳақли равишда янгиликлар фабрикаси деб аташади. Бунда сира муболаға йўқ. Мамлакатимизда чиқаётган қариб 8 минг газета ҳар куни ТАСС орқали сўнгги янгиликларни олади.

Иттифоқ Телеграф Агентлигининг таркибий қисми бўлган республикамиз Телеграф Агентлиги (ЎзТАГ) Совет ҳокимиятининг тонгида — 1918 йил 18 майда расман ташкил топди. Шу куни Туркистон республикасининг Халқ Комиссарлари Совети эндигина тузилган Информацион Бюросинг вазифаларини белгилаб берди. Кейинчалик шу ташкилот базасида Туркистон Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги матбуот бюроси ҳамда Россия Телеграф Агентлигининг Туркистон бўлими — Турк-РОСТА, Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан кейин эса Ўзбекистон Телеграф Агентлиги вужудга келди.

Эллик йиллик тўйимиз нишонланаётган шу қувончли кунда ахборот хизматини ташкил этишда улуғ Ленининг содиқ сафдошларидан бири, атоқли партия ва давлат арбоби Валериан Владимирович Куйбишев бош қўшганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. В. В. Куйбишев Тошкентга келмасидан илгари Россия Федерациясининг Почта ва Телеграф Халқ Комиссарлигига раҳбарлик қилган вақтида мамлакатда телеграф агентликлари ташкил этиш масаласи билан бевосита шуғулланди.

В. В. Куйбишев 1918 йил май ойининг бошларида Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Колесовга телеграмма юбориб, Тошкентда зудлик билан ахборот бюроси ташкил этишни талаб қилди. Худди шу телеграмма асосида ҳукумат фармойиши чиқарилди. Бугунги кунда мана шу сананинг эллик йиллигини нишонлаяпмиз.

Телеграф агентлиги фаолиятини йўлга қўйишда партиянинг содиқ фарзандлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсуповлар кўп иш қилишди. Уларнинг кўрсатмалари ва маслаҳатлари республикада ахборот хизмати ишини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

1918 йил ёзида Туркистонда рус, ўзбек, тожик, қозоқ, туркман ва бошқа маҳаллий тилларда салкам 20 та газета чиқарилди. Бу газеталар кенг меҳнаткашлар оммасига партия ва ҳукумат сиёсатини тушунтиришда партия ташкилотларига катта ёрдам бердилар. Бу ишда ахборот бюроси деб номланган бизнинг ўтмишдошларимиз катта ҳисса қўшдилар. Туркистон ўлкаси большевикларининг I съезди ҳақидаги материалларни газеталарга вақтида етказиб берган ҳам шу ахборот бюроси ходимлари эди. В. И. Ленин имзо чеккан «Россия ва Шарқнинг ҳамма мусулмон меҳнаткашларига чақириқ» Ахборот бюроси орқали берилиб, газеталарда босилган эди. Бу ҳужжатда партия барча меҳнаткашларни революция ғалабаларини ҳимоя қилишга даъват этган эди.

Агентлик фаолияти Ўзбекистон меҳнаткашларининг ажойиб ғалабалари йилномасини яратганлигини таъкидлаш биз учун айниқса қувончлидир. Туркистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки декретлари, Ўзбекистон республикасининг тўғилганлиги ҳақидаги хабар, империалистик босқинчилар қўллаб-қувватлаган контрреволюцион шайкалар тугатилганлиги ҳақидаги хабарлар агентлигимиз орқали маълум қилинди, булар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Агентлик ўзининг илк фаолиятиданоқ мамлакатимиз халқлари ленинча дўстлигининг оташин пропагандисти сифатида иш олиб бориб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партиямизга актив ёрдам берди. Ҳозир агентлигимиз информацион хизмат кўрсатишнинг йирик маркази бўлиб қолди. Биз чет эл, Иттифоқ ва республика хабарлари билан Ўзбекистондаги ҳамма газеталарни, радио ва телевиденени таъминлаймиз. Берилаётган ахборотларнинг ҳажми беқиёс кенгайди. Агар дастлабки йиллари ахборотлар бир неча бетдан иборат бўлса, ҳозир кунига редакцияларга 7-8 босма листи миқдорида ранг-баранг хабарлар берилмоқда.

Ҳафтанинг ҳар куни эрта тонгдан то тунгача Ўзбекистоннинг ҳамма бурчакларига агентлигимиз орқали ер юзида содир бўлаётган воқеалар етиб боради. Бизнинг хабарларимиздан областларда чиқадиган 22 газета, шаҳарларда чиқадиган 8 газета ва 91 район газетаси фойдаланади. Шунингдек, агентлигимиз қўшни республикаларда ўзбек тилида нашр этилаётган учта газетага ҳам ахборотлар етказиб беради.

Область марказлари билан икки томонлама кўп каналли телетайп алоқаси ўрнатилганлиги ТАСС ва ЎзТАГ хабарларини илдам етказиб бериш имконини туғдирди. Бундан ташқари материалларнинг радио орқали берилиши, шунингдек, почта орқали юборилиши шаҳар ва район газеталари редакцияларига бизнинг ахборотларимиздан ўз газетхонларининг эҳтиёжига қараб фойдаланишга имкон беради.

Журналистлар газетани босмахонасиз чиқара олмаганидек, агентлигимиз журналистлари ҳам ўз хабарларини алоқа воситаларисиз, инженер, техник в радистларсиз, телетайпчи ва машинистка-ларсиз тарқата олмайдилар. ЎзТАГда телеграф алоқасининг қудратли қабул қилувчи ва узатувчи тармоғи тузилган.

ЎзТАГда ҳамма расмий ҳужжатларни ва ТАСС хабарларини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнлари таркиб топган. Шунингдек, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари билан бу таржималарни алмаштириб туриш ҳам йўлга қўйилган.

Бизнинг мухбирларимиз газеталарга социалистик қурилишнинг янги-янги жиҳатларидан олинган жонли конкрет мисолларни кўплаб етказиб беришга интилмоқдалар. Уларнинг эътиборидан ҳеч бир воқеа четда қолмайди. Тошкент ё Томди Қизилқум саҳроси ёки Тяньшан этаклари — хуллас воқеа қаерда содир бўлмасин, мухбирларимиз уни газетхонга етказишга ошиқишади.

Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг энг муҳим бурчи — республикамиз ҳаётидан олинган гурли воқеаларни Совет Иттифоқи Телеграф Агентлигига оператив етказиб туришдан иборат. Негаки, ЎзТАГ ТАССнинг коллектив мухбири ҳисобланади. Бизнинг материалларимиз ТАСС орқали барча марказий, республика ва маҳаллий газеталарга, Бутуниттифоқ радиоси ва телевидениесига етказилади.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида капиталализм билан социализм ўртасидаги идеологик курашнинг кескин кучайганлигини таъкидлаб, буржуа идеологиясига шафқатсиз ўт очиш, унинг кирдикорларини фош этиш, совет кишиларида коммунистик эътиқоди шакллантириш ва уларда буржуа таъсирининг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик хиссиётини ривожлантириш вазифасини қўйди. Биз ўз фаолиятимизни шу талаблар асосида олиб бориб, сиёсий агитацияни мамлакатимизнинг ички ҳаёти, иқтисодий гурмуши, маданий ҳаёт ва халқаро аҳволга доир материаллар негизида қуриш учун большевистик матбуотнинг шонли анъаналарига содиқ ҳолда партиямизнинг юксак ишончини оқлайверамиз.

Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
ЎзТАГ таржимони.

ТАРЖИМОНЛАР

Партия ва совет матбуотининг энг муҳим ва асосий хусуситларидан бири шуки, бизнинг газета ва журналларимиз кенг халқ оммасининг — ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг актив иштироки билан вужудга келади. Редакция ходимлари газета ё журналнинг ҳар бир сонини гайёрлашда асосан ташкилотчилик ролини ўйнайдилар. Улар редакцияга тинимсиз оқиб келиб турадиган материаллардан шу куннинг талабига жавоб берадиганларини танлаб олиб, газета саҳифаларида эълон қиладилар. Ё бўлмаса, муайян проблемаларни газета саҳифасида муҳокама қилмоқ учун шу масалага алоқадор мутахассисларни тўплаб, улар билан фикрлашиб ҳамда улардан мақолалар уюштириб, ўша проблемани атрофлича ёритишга ҳаракат қиладилар.

Номлари газета саҳифасида кўринмаса-да, ишининг маҳсули газетанинг ҳар бир сонида салмоқли ўрин оладиган бир тоифа кишилар бор. Ўзбекистон Телеграф Агентлиги (ЎзТАГ)да ишлаб турган таржимонлар мана шу тоифага киради. Улар алоҳида бўлимга — таржимонлар бўлимига уюшган. Бу бўлимдаги таржимонлар ва уларнинг таржималарини таҳрир қилувчи редакторларни кечаю кундуз иш устида кўрасиз. Улар навбат билан ишлаб, газеталарни материаллар билан таъминлаб турадилар.

Илмий муассасалардаги ва нашриётлардаги таржимонлардан ЎзТАГ таржимонларининг фарқи шуки, улар телетайпдан олинган ҳар бир материални пешма-пеш ўзбек тилига таржима қилиб, таҳрирчининг қўлига топшириб турадилар. Редактор бу материални бетма-бет олиб, русчаси билан солиштиради, яъни таҳрир қилиб, телетайпга узатади. Телетайп эса шу ондаёқ бу материални республика, область газеталарига жўнатади.

Бизда таржимонга энг муҳим талаб шуки, у ғоят тез ишлаши керак. Айни пайтда бу тезкорлик ишнинг сифатига таъсир қилмаслиги шарт. Биз таржима қилинган материални газетхон худди ўз она тилида ёзилганидек ўқийдиган, аслига тўғри ва равон бўлишини қонда қилиб қўйганмиз.

Бўлимимизда рус ва ўзбек тилларини мукаммал биладиган, касбини пухта эгаллаган Шербек Алиев, Собит Тоиров, Иқбол Эгамбердиева сингари тажрибали таржимон ва редакторлар тўпланган. Булар орасида 40-50 йилдан бери баракали ишлаб келаётган Усмон Япиев, Яҳё Йўлдош сингари кекса журналистлар ҳам бор.

Таржимон ва редакторларимиз кунига ўрта ҳисобда 20 мингга яқин сўздан иборат таржима материаллари билан республиканинг ҳамма газеталарини таъминлаб туришибди. Бўлимимиз бир йилда тайёрлаб берадиган материал катта бир нашриётнинг йил бўйи нашр этадиган китоблари ҳажмига тенг. Тожикистон ва Қирғизистонда ўзбек тилида чиқадиган газеталарни материаллар билан таъминлаш ҳам зиммамизга юклатилди. Натижада ишимизнинг ҳажми анча ортди.

Бизга партиямиз ўзининг ўткир қуролини топшириб қўйган экан, бу юксак ишончга лойиқ бўлиш учун билимимиз ва кучғайратимизни аямай сарфлай берамиз, меҳнатимиз билан оқлайверамиз.

Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
ЎзТАГ таржимони.

Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг телетайп цехини «Янгиликлар фабрикаси» дейишади. Чиндан ҳам шундай. Ер юзида содир бўлаётган воқеалар дастлаб шу ерда тўпланади. Сўнгра уларнинг энг муҳимлари газеталарга жўнатилади. Суратда: моҳир телетайпчилардан А. Ҳабибжонова, М. Рихсиева, М. Кудрявцева, Н. Рашидова ўртоқлар.

ЎзТАГнинг радиостудияси республикамиздаги ҳамма район ва шаҳар газеталарига материалларни тўхтовсиз етказиб туради. Суратда: диктор Ҳалима Далабоева радио орқали материал бермоқда.

И. Глауберзон фотолари.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Инқилоб тонгида — 1918 йилнинг май ойида партия ва давлатимизнинг атоқли арбоби В. В. Куйбишев Туркистон Республикасининг Халқ Комиссарлари Совети Раиси А. Колесовга телеграмма юбориб, Тошкентда зудлик билан ахборот бюроси тузишни талаб қилди. ЎзТАГнинг тўғилган куни худди шу телеграммадан бошланади.

● Ахборот бюроси тузилган дастлабки кунларда Туркистонда ўзбек, рус, тожик, қозоқ, туркман ва бошқа маҳаллий тилларда салкам 20 та газета чиқиб турарди. Янги орган ана шу газеталарни энг муҳим хабарлар билан таъминлаб турди.

● Ҳозирги кунда Ўзбекистон Телеграф Агентлиги областларда чиқадиган 22 та, районлардаги 91 та, шаҳарлардаги 8 та ва пойтахтимизда чиқадиган ҳамма республика газеталарига ранг-баранг материаллар етказиб беряпти. Шунингдек, ЎзТАГ хабарлари кўшни Тожикистон, Қирғизистонда ўзбек тилида чиқадиган газеталар саҳифаларидан ҳам кенг жой олмоқда.

● Телеграф агентлиги замонавий алоқа воситалари билан тўла жиҳозланган бўлиб, Москва билан, ҳамма республика ва область газеталари билан бевосита алоқа қилади. Москва—Тошкент, Тошкент—Нукус линияларида эса фототелеграф алоқаси мавжуд.

● ЎзТАГ хабарлари ТАСС орқали мамлакатдаги ҳамма марказий, республика, область ва район газеталарига етказилади. Бутуниттифоқ радиоси ва телевиденнеси редакциялари ҳам ЎзТАГ хабарларидан баҳраманд.

● Ўзбекистон Телеграф Агентлиги ТАССнинг махсус редакцияси орқали чет элдаги 56 матбуот органига республика ҳаётига доир хилма-хил хабарларни юборади. Ҳозир Араб Шарқи мамлакатлари учун алоҳида хабарлар тўплами юборилмоқда.

СПОРТ янгиликлари

ОЛМАЛИҚ СПОРТЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Узбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи совети совринини олиш учун енгил атлетика, волейбол ва эркин кураш бўйича Гулистон шаҳри ва «Пахтаорол» совхозида мусобақалашган Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Гулистон, Каттақўрғон, Коғон, Марғилон ва Янгийўл шаҳар спортчилари орасида олмалиқликлар 32 имкониятдан 29 очко тўплаб, биринчи ўринга чиқдилар. Команда ҳисобида ҳам олмалиқликлар 53 очко тўплаб, биринчи ўринни олдилар.

ЯНГИОБОДЛИКЛАР ОЛДИНДА

Спортнинг 6 тури бўйича мусобақада янгиободлик спортчилар ғалабага эришдилар. Баскетбол, волейбол ва стол тенниси бўйича биринчи, шахмат ва енгил атлетика бўйича иккинчи, фақат эркин кураш бўйича учинчи ўринни олдилар.

Умум ҳисобда ҳам 51 очнога эга бўлган янгиободликлар биринчи, деновликлар иккинчи ўринни эгаллашди.

ФИНАЛГА ЧИҚДИЛАР

Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида бокс бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ зонал мусобақалари тугади. Совет Иттифоқи биринчилиги мусобақасида ўзбекистонлик боксчилар Рустам Раҳмонов, Борис Ниёзов ва Владимир Куряков ўз вазнлари бўйича биринчи ўринларни эгалладилар.

Узбекистонлик Владимир Белинский энг енгил вазнда иккинчи ўринни олди. Бу тўрт ўзбекистонлик боксчи СССР терма командасига кандидат бўлдилар.

ТЕННИС МУСОБАҚАСИ

Рига шаҳрида ўтказилган халқаро теннис мусобақасига ГДР, Болгария, Эстония, Латвия ва Узбекистон спортчилари қатнашдилар. Узбекистонлик теннисчилар В. Каплан ва Н. Прокофьевалар ўз разрядлари бўйича иккинчи ўринни олдилар.

Футбол

ЧЕМПИОН РИМДА АНИҚЛАНАДИ

● РАМСЕЙНИНГ «ФОЛБИНЛИГИ» ПУЧГА ЧИҚДИ ● БАХТ СССР ТЕРМА КОМАНДАСИГА КУЛИБ БОҚМАДИ. ● ҚУРЪА ИТАЛЬЯНЛАРНИ ФИНАЛГА ОЛИБ ЧИҚДИ. ● ЮГОСЛАВИЯ ТЕРМА КОМАНДАСИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИ ИЗТИРОБГА СОЛДИ.

Европа чемпиони, деган унвонни олиш учун Италияда ўтказилган ярим финал мусобақалари олдидан жаҳон чемпионининг тренери Рамсей: «Финалда итальянлар билан инглизлар учрашади» деб фолбинлик қилмоқчи бўлганда, Италия командасининг тренери Волькареджи жуда эҳтиёткорлик билан «Бизни, Острава ҳодисаси Неаполда ҳам такрорланади, деган ғафлат босмаслиги керак. Совет футболчилари Москвада венгерларга кўрсатган ҳунарларини такрорлаши мумкин. Бировларнинг фолбинлиги бизга керак эмас» деб айтган эди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, ўтган куни телевизор экранлари олдига тўпланган миллионлаб ишқибозлар англиялик «пайғамбар»нинг каромати пучга чиққанининг гувоҳи бўлдилар.

Италиянинг Неаполь шаҳри, Пшеничников, Истомин, Шестёрнев, Капличний, Афонин, Ленев, Логофет, Малофеев, Бишовец, Банишевский, Европжихилардаги иборат СССР терма командаси Италия терма командаси билан бирга майдонда саф тортиб турибди. Ҳар иккала мамлакат давлат гимнлари ижро этилгандан сўнг халқаро категорияли судья Ченчер (ГФР)нинг ишораси билан тўп ўйинга киритилди. 120 минут (90 минут асосий, 30 минут қўшимча берилган вақт) давом этган юксак савиядаги бу ажойиб спорт курашида ғолиб аниқланмади. Энди ҳамма нарсани қуръа ҳал қиларди. Ўйиндан сўнг Флоренция шаҳридан олиб кўрсатиладиган иккинчи ярим финал мусобақасини кутиб ўтирган ишқибозлар «Қуръа натижасида Италия терма командаси финалга чиқди» деган нохуш хабарни эшитганларида ўйин тафсилотлари уларнинг кўз ўнгидан яна бир бор ўта бошлади: Совет футболчилари Италия командаси каби хавфли рақибга бўш келмадилар. Неаполлик ишқибозларнинг ҳайқириқлари ҳам уларни чўчита олмади. Михаил Якушининг «Халқаро класс ўйинчилари ҳар қандай қийин вазият ва шароитда ҳам юксак маҳорат кўрсатиб ўйнаши керак» деган насиҳатини бир эсм бўлса ҳам эсдан чиқармадилар. Бишовец ўзининг яхна маҳоратини, Европжихин тезкорлигини, Ленев узоқдан туриб дарвозани мўлжалга олиш қобилиятини намойиш қилди. Истомин энг хавфли ҳужумчи Пратини «занжирлаб» ташлади. Командамиз капитани Шестернев итальянларнинг ишонган тоғи Маццола ва Доменгиниларнинг эркин ҳаракат қилишига йўл қўймади. Пшеничников ишонч билан ўйнаб, бир неча марта командамизни мағлубиятдан қутқариб қолди. Лекин, Остравада юрак олдириб қўйганларидаги (командамиз олимпия мусобақасида чехларга 3:0 ҳисобида ютқазгани ишқибозларнинг эсида) ёки уч етакчи ўйинчимиз—Хурцилава, Аничкин, Численконларнинг майдонда йўқлигиданми, ҳар қалай, командамизга охирги дақиқаларда — тўп уриш пайтида нимадир етишмасди. Ярим ҳимоячилар, айниқса, Логофет ҳужумчиларга дадил ёрдам кўрсатолмадилар. Командамиз аъзолари итальянларга нисбатан жисмоний кучли эканликларини айниқса қўшимча вақтда намойиш қилган бўлсалар ҳам, ғалабага эриша олмаганликларининг асосий сабаби шунда бўлса керак. Ва ниҳоят, спортда бўладиган бахт—қуръа ташлаш ҳам бизнинг командамизга кулиб боқмади.

Флоренцияда бўлган учрашувда Югославия футболчилари дадил ва уюшқоқлик билан ўйнаб, жаҳон чемпиони — Англия терма командаси устидан ғалаба қозондилар. Ишқибозлар, бу ерда ҳам қўшимча вақт берилар эканда, деб турганларида Англиянинг дарвозабони Бенкс ўйин тақдирини ҳал қилган ягона тўпни тўрдан олишга мажбур бўлди. Ўйиннинг колган икки ярим минутида инглизларнинг мағлубиятдан қутулиш учун уринишлари уларга фойда келтириш у ёқда турсин, чемпионлик унвонларига доғ туширди: испаниялик арбитр қасддан қилган «ўпол ҳаракати учун Мюллерини майдондан чиқариб юборди.

Шундай қилиб, эртага Римда Италия билан Югославия командалари Европа чемпиони унвонини олиш учун финалда, СССР билан Англия командалари эса учинчи мукофотли ўринни эгаллаш учун курашадилар.

А. МАЪЗУМОВ.

ЯНГИЛИК ЖАРЧИЛАРИ

РЕПОРТАЖ

МАРКАЗИЙ ва республика газеталарида серқуёш Ўзбекистонимизнинг натта-кичик шаҳар ва қишлоқларида юз берган, шу ажойиб кунимизнинг гўзал манзарасини ёрқин акс эттирган ихчам хабарлар, меҳнат аҳлининг ажойиб фазилатларини мадҳ этувчи ширали лавҳа ва очерклар ҳар куни муттасил босилиб туради. Буларнинг аксариятини журналистлар армиясининг моҳир разведкачилари — Ўзбекистон Телеграф Агентлиги мухбирлари ёзишган. Кундалик ҳаётимизни унинг энг муҳим қирраларигача қамраб олган ҳолда қизиқарли, ихчам ва қайноқ сатрларда битиш ЎзТАГ журналистлари учун қоида бўлиб қолган.

Қутлуғ даргоҳ ҳаётга келган кунининг 50 йиллик тўйи арафасида фотомухбиримиз билан қадрдон ҳамкасбларимиз ишлайдиган хоналарни бирма-бир кезиб чиқдик. Республикада чиқадиган ҳамма катта-кичик газеталарни шу куни, шу соатда содир бўлган муҳим воқеалар ҳақидаги ахборотлар билан таъминловчи ахборот редакцияси ходимларининг қўли-қўлига тегмайди. Бу редакцияни бекор республика ёки область газетасига тенглаштириш мумкин. Унинг худди газета редакцияларидагига ўхшаш қишлоқ хўжалиги, идеология, илм-фан, спорт бўлимлари бор. Республикамизнинг ҳамма областларидаги мухбирлар бу редакциянинг тегишли бўлимларига янгиликларни муттасил етказиб туришади.

Г. Липшиц, В. Попондопуло, М. Шерман, В. Татаринов, Е. Майоров, Е. Ефимов, Э. Рашидов сингари чаққон мухбирлар ёзган рангба-ранг материаллар фақат ЎзТАГдагина эмас, бу материалларни босган газета редакциялари ҳамда уларнинг кўпсонли ўқувчилари ҳам қизиқиб ўқишади. Ушбу редакциядан чиқадиган материалларнинг аксарияти газеталарда босилади, радио ва телевидение орқали эшиттирилади.

Бундан ташқари, партия ва ҳукумат чиқарган ҳужжатлар, партия съездлари, Марказий Комитет Пленумлари, Олий Совет сессиялари ҳамда бошқа муҳим анжуманлар ҳақидаги ҳисоботлар ҳам шу редакция орқали ўтади. Редакция ходимлари экономикамизнинг муҳим проблемалари юзасидан тадқиқот-мақолалар, саноатимиз ва қишлоқ хўжалигининг марду-майдонлари ҳақида очерк ва лавҳаларни ҳам бот-бот ёзиб туришади.

Е. Майоров ва А. Ершов ўртоқлар бошқараётган Совет Иттифоқи бўйича тарқатиладиган ахборотлар бўлими республикамизда содир бўлаётган энг муҳим, бошқалар учун қизиқарли ва ибратли материалларни тайёрлайди. Бу бўлимнинг қанчалик юксак савияда ишлаётганлигини идорадаги йўлакнинг ҳаммага кўринарли жойига қўйилган махсус «Ойна» кўрсатиб турибди. ЎзТАГ директори номига ёзилган ТАССнинг ўнлаб телеграммаларида қайси материал қандай баҳо олганлиги хабар қилинади.

Маҳаллий матбуот бўлими мамлакатимизда, дунёда ва республикамизда содир бўлаётган энг муҳим янгиликларни область, шаҳар ва район газеталарига етказиб беради. Газетхонлар «Дунё бир ҳафта ичида», «Жаҳон ойнаси», «Жаҳоннома» рубрикалари остида сўнгги ҳафтада юз берган халқаро воқеаларни шарҳловчи обзор мақолаларни, ўткир публицистик фельетонларни ўқиб туришади. Халқаро воқеалардан бохабар етук журналистлар ёзган бу материаллар ҳам худди шу бўлим орқали ўтади.

Газетачилар ЎзТАГ деганда биринчи навбатда таржима бўлимини ва унинг ходимларини кўз олдиларига келтиришади. Негаки, республика, область, шаҳар ва район газеталарининг хабарларга бой, мазмунан теран бўлиб чиқиши кўп жиҳатдан шу бўлим ва унинг ходимлари фаолиятига боғлиқ. Таржиманинг ҳақиқий пирлари бўлган Насибулла Ҳабибуллаев, Яҳё Йўлдошев, Шербек Алиев, Усмон Япиев ва уларнинг ёш ҳамкасблари Собит Тоиров, Ислом Шафигин кечани неча, кундузни кундуз демай, вақт билан ҳисоблашмасдан ишлаб, газеталарни оператив равишда хабарлар билан вақтида таъминлаб туришибди.

Таржимонлар бўлими ҳақида гап кетганда унинг камтарин захматкашлари меҳнатига тўхталмай ўтиш инсофдан бўлмас. Булар — кўз нурини, қалб кўрини ўзининг севимли касбига бағишлаган машинистналардир. Бибинур Зайниддиновани ЎзТАГдагина эмас, бошқа газета редакцияларида ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

Мабодо ,республика ё область газеталаридан биронтаси ЎзТАГнинг маркаси кўрсатилмаган суратларсиз чиққуден бўлса, газетхонлар дарҳол безовта бўлишади. Бунинг боиси бор, албатта. ЎзТАГ фотохроникаси республика қаётини акс эттирувчи бамисоли жонли тарихдир. Бу жонли тарих газета саҳифасига киритилмай қолса, материаллар географияси горайиб кетгандай бўлади. Урушдан илгари «Р. Қўчқор» имзосиси бирорта республика газетаси чиқмасди, десак муболаға бўлмас. У вақтларда малакали сураткашлар ниҳоятда кам бўлиб, бутун оғирлик Қўчқор ака сингари биринчи фото усталари зиммасида эди. Ҳозир фотографиянинг юзлаб усталари етишиб чиқди. Шунга кўра, Қўчқор ака ҳам имзосини ўзгартириб, «Қ. Розиқов» қилиб олди. А. Горохрин, И. Душкин, Г. Пун, Р. Шамсиддинов, А. Усмоновлар эндиликда ўз устозлари билан бемалол беллашадиган суратлар тайёрлашяпти.

Ҳамкасбларимизнинг шонли юбилейи нишонланаётган шу қувончли дамларда ёши ўтиб кетган бўлса ҳам, қадрдон коллективни кўзи қиймасдан ҳамон ишлаб келаётган Ася Вартановна Акобян, бутун жўшқин фаолиятини шу қутлуғ даргоҳ шон-шуҳратини оширишга бағишлаган Д. Арслонова, К. Ғаффоров, О. М. Панова, Т. Мўминов сингари заҳматкашларни ва улар билан ёнма-ён ишлаб, «ничик ҳажмга катта мазмунни жойлаётган» (М. И. Калинин) янгилик жарчиларини чин қалбдан табриклаймиз, ижодий баркамоллик, сиҳат-саломатлик, партиянинг жанговар солдати деган улуғ номни ҳалол меҳнатлари билан ҳамиша оқлашларини тилаймиз.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча «Совет Ўзбекистони» редакцияси коллективи шу газетада узоқ йиллар ишлаб кетган журналистлар билан учрашди.

— Нимаки яхшиликка, юксалликка эришган бўлсак, ҳаммасида «Совет Ўзбекистони» мактабида олган сабоқларимизнинг улкан ҳиссаси борлигини мамнуният билан хотирлаб юрамиз.

Бу кун республикамизнинг партия, совет органларида, нашриёт ва илм-фан даргоҳларида муваффақиятли ишлаётган ветеран журналистларимиз ўз сўзларида ана шу гапни, уқтириб ўтдилар. Улар «Совет Ўзбекистони» газетаси социалистик республикамизнинг ярим асрда босиб ўтган ҳаёти ойнаси эканлигини таъкидладилар.

Ветеранлар газетачиликнинг ўзига хос оғир ва фахрли касб эканлигини, шонли йўлнинг мураккаб босқичларини ўз ҳаётий мисолларида сўзлаб бердилар. Улар газетанинг дастлабки сонларини уч-тўрт киши билан чиқарган бўлсалар, бу кунда олий маълумотли етук журналистлар, маланали қаламкашлар ишлаётганлигидан хурсанд эканликларини айтдилар.

50 йил давомида газетада ишлаб кетган ва бугун орамизда қатнашолмаётган, Улуғ Ватан уруши жангларида ҳалок бўлган журналистларни ҳурмат билан ёдга олдилар.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Шимолий-ғарб томондан секундига 7—12, Бухоро областининг яйловларида секундига 20 метргача шамол эсади, чанг-тўзон кўтарилади. 23—28, Фарғона водийсида 32 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси момақалдироқ бўлиши кутилади, 24—26 даража иссиқ бўлади.

◆ Америка Қўшма Штатлари агрессив сиёсатдан воз кечмоқчи эмас

◆ Хитой раҳбарларининг Советларга қарши туҳмат кампанияси реакцион кучларга қўл келмоқда

◆ Совет—Финляндия ўртасидаги ҳамкорликнинг ажойиб самараси

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ГАРРИМАН ТИНЧЛИК ТЎҒРИСИДА ГАПИРГАНДА...

Вьетнам Демократик Республикаси ва АҚШ вакилларининг расмий суҳбатлари давомида Америка томонининг одил сиёсий сулҳ йўлидан боришни ҳали ҳам истамаётганлиги маълум бўлиб қолди. ВИА агентлигининг таъкидлашича, «АҚШ ҳукуматининг вакили А. Гарриман Париждаги музо кароларда АҚШнинг урушни деэскалация қилиш йўлидан боришга тайёр эканлиги тўғрисида муттасил баёнот бераётган бир пайтда Америка авиацияси Шимолий Вьетнамнинг аҳоли зич жойлашган районларига йиртқичларча ҳужумни давом эттирмоқда.

Новости матбуот агентлиги поляк журналисти Ришард Римашевскийнинг Ханойдан юборган репортажини газетхонлар эътиборига ҳавола қилади.

<> <> <> <>

Вьетнам Демократик Республикасининг харитасига бир назар ташланг. Мамлакат автотрадалар, темир йўллар, жуда кўп сув иншоотлари тармоқлари билан қопланган. Бу тармоқларнинг зичлиги айниқса иқтисодий ва маъмурий ҳаётнинг асосий марказлари — Ханой, Хайфон, Намдинь, Тхайнгуйен, Вьетчи, Винь каби 6 та районда яна да яққол кўзга ташланади. Бу районларнинг ҳаммаси Америка авиациясининг бир неча марталаб ҳужумига дучор бўлди.

Агрессорлар ҳарбий нуқтаи назардан мутлақо стратегик аҳамиятга эга бўлмаган аҳоли зич жойлашган районларни ҳам аёвсиз бомбардимон қилмоқдалар. Мисол тариқасида Виньлинь вилоятидаги Хокса деган қишлоқни келтириш мумкин. Уч квадрат километр майдонда 5850 киши яшарди. Ана шу бир парча ер турли калибрдаги 22500 та бомба билан бутунлай ағдар-тўнтар қилиб ташланди. Бу ерда ўн мингга яқин шарикли бомба ва 6200 та ракета ҳам портлади. 2 минг даражагача иссиқликда барча тирик жонни қуйдириб юборадиган напалм кўплаб кишининг ёстиғини қуритди, қишлоқ хўжалигига жуда катта зиён етказди.

Хокса қишлоғига бир гуруҳ япон олимлари келишган пайтда уларнинг кўз олдида харобазорлар, 8—10 метргача ағдариб ташланган ўпқонлар, қуйдириб юборилган экинзорлар намоён бўлди... Японлар бу манзарани кўришиб, Хиросима ва Нагасаки Американинг атом бомбаларидан қанчалик зиён кўрганини билган кишилар сифатида Хокса вайроналари даражаси бошимиздан ўтган аҳволдан сира қолишмаслигини таъкидлаймиз, дейишган.

Шимолий Вьетнам территориясида тоғлар ва чакалакзорлар кўп, бу ердан анчагина дарёлар оқиб ўтади. Ёмғир ҳам бир меъёрда ёғмайди. Айниқса июндан сентябрнинг охиригача 4 ой мобайнида кўп миқдорда ёмғир бўлади. Бу ёғингарчилик пайтларида сув тошқинлари ҳамда йилнинг қолган ойларида эса қурғоқчилик хавфини туғдиради. Тўғонлар ва ирригация ускуналари системаси вьетнамликларга ана шу табиий офатларга қарши курашиш имконини бермоқда.

Америка милитаристлари эса худди ана шу серёмғир даврда ҳаво ҳужумини кучайтирмоқдалар.

Куангбинь вилоятидаги Ботра округида вьетнамликлар 18 ой мобайнида Да Май тўғонини қуриб битказдилар. Бу қурилишга ярим миллион ишчи куни сарфланди. Тўғон ёрдамида 2 минг гектар шолипояни суғориш мўлжалланаётган эди. Қурилиш ишлари олиб борилаётган бир пайтда кишилар устидан Америка самолётлари неча марталаб учиб ўтиб турди. Тўғоннинг очилишига бағишланган тантаналардан бир кун сўнг эса АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари қисмлари унга ҳужум бошладилар. Бомбардимонлар бутун иншоот тўлалигича ер билан яксон бўлмагунча 14 кун давом этди.

Тхайбинь вилоятидаги ирригация объектлари ҳам ана шундай йиртқичлик билан вайрон қилинди. Америка калхатлари бу ерда жуда катта миқдордаги бомбаларни сарфладилар. Иншоотлардан ташқари бу ерда яна 30 киши ҳалок бўлди ва яралар қилинди.

Америка ҳарбийлари Вьетнам Демократик Республикасига қарши ҳаво урушини кенгайтиришдан иборат ўз сиёсатини давом эттирмоқдалар. Бироқ қаҳрамон Вьетнам халқининг иродасини ҳеч бир куч бука олмайди!

Ришард РИМАШЕВСКИЙ,
поляк журналисти.
(АПН — «Польское обозрение»).
Ханой — Варшава.

ФИНЛЯНДИЯ. Совет Иттифоқининг шимолий чегарасида ҳозир Саймен каналини реконструкция қилиш бўйича ишлар тугалланай деб қолди.

Совет Иттифоқи шимолдаги қўшни мамлакатнинг экономикасини ривожлантиришга ёрдамлашиш мақсадида дўстона муносабатларни эътиборга олиб, 1962 йили каналнинг совет қисмини қирғоқ полосаси билан қўшиб 50 йил муддатга Финляндияга ижарага берган эди.

Суратда: Саймен каналининг Финляндия территориясидан ўтадиган бир участкаси.

Лехтикува—ТАСС фотоси.



КУБА РЕСПУБЛИКАСИ. Пинар-дель-Риодаги давлат фирмасининг янги уй-жойлари.

К. Стаф фотоси. ТАСС фотохроникаси.

РОБЕРТ КЕННЕДИ ВАФОТ ЭТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 июнь. (ТАСС) Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Лос-Анжелесдан хабар беришича, бугун маҳаллий вақт билан соат 1 дан 44 минут ўтганда сенатор Роберт Кеннеди касалхонада вафот этди.

ЖИНОЯТЧИНИНГ НОМИ АНИҚЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 июнь. (ТАСС). Бугун бўлган матбуот конференциясида Лос—Анжелес шаҳрининг мэри Йорти сенатор Роберт Кеннеди жонига суиқасд қилган кишининг номи — Сирхан Сирхан эканлигини айтган.

Жиноятчи 23 ёшда, илгари Қуддус шаҳрида яшаган. Йорти жиноятчининг миллати тўғрисида бирон гап айтишдан бош тортган.

Лос—Анжелес мэри жиноятчининг чўнтакларидан ҳар бири юз долларлик тўрт дона асигнация топилганлигини ҳам айтган. Жиноятчи «иш ўнгидан келиб қолса», АҚШдан жўнаб кетиш пайтда бўлган, деган тахмин билдирилмоқда.

Лос—Анжелес полициясининг жиноятчининг номини пистолетнинг рўйхат номерига қараб аниқлаган. Жиноятчининг акаси, Пасаденда (Калифорния штати) яшовчи Абель Сирхан пистолетнинг эгаси бўлган.

ЖОНСОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ президенти Л. Жонсон бугун Гласборо шаҳрида (Нью-Жерси штати) гапириб, Қўшма Штатлар Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишни батамом тўхтатиш ниятида эмас, деди. Президент, Шимолий Вьетнам «сулҳга олиб борадиган бирор ҳаракат» қилсин деган талабни яна такрорлаб, шундай қилинганидагина бомбардимон қилишлар тўхтатилади, деди.

АҚШ ва Вьетнам Демократик Республикаси вакиллари ўртасида Парижда ўтказилаётган расмий суҳбатлар Вьетнам Демократик Республикасига қарши олиб борилаётган агрессив ҳаво урушини тамомила тўхтатишдан Вашингтон бош тортаётганлиги Вьетнам масаласини тинч бартараф қилиш йўлида асосий ғов бўлиб қолганлигини кўрсатиб турган бўлса ҳам, аммо Жонсон, шу суҳбатлар давомида «Осиёда қаҳрли сулҳ тузилишига интилаётган бизлардан бирон тамизга иккинчи томон муҳимроқ ҳеч бир гап айтгани йўқ» деб даъво қилди.

АҚШ Париждаги музокараларда аввалгидек «қаттиқ» туришни давом эттиражагини президент айтган гаплардан очиқ сезилиб турибди. Америка ҳукумати Вьетнам Демократик Республикаси вакиллари билан бўлаётган учрашувларда имкон борича мулойимлик билан муомала қилсин, деб АҚШдаги кўпгина кўзга кўринган арбобларнинг ва жаҳон жамоатчилиги кенг доираларининг талабларига қулоқ солишдан президент бош тортди.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Франциядаги воқеалар муносабати билан Мао Цзэ-дун группаси Франция Коммунистик партиясига қарши туҳмат кампанияси олиб бормоқда. Хитой шаҳарларида 21 майдан 24 майга қадар бўлиб ўтган намойишлар билан бошланган бу кампанияни Хитой матбуоти ва радиоси шу кунгача давом эттириб келмоқда. Бу намойишлар «Француз пролетариатининг курашини қўллаб-қувватлаймиз», деган баҳона билан ташкил этилди. Ҳақиқатда эса Мао Цзэ-дун портретлари ва китобчаларини кўтариб юришдан иборат бўлган бу намойишлар, француз ишчиларининг забастовка кураши, шунингдек «Европа, Америка ва Океаниядаги империализмга қарши бошқа чиқишларнинг ҳаммаси «Мао идеялари бутун дунёда кенг тарқалганлигининг» натижасидир, деган сафсатани Хитой аҳолисига уқтириш мақсадида ўтказилди.

Пекин, биз забастовкачилар билан бирдаммиз деб оғизда лоф ураётган бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда ишчилар ҳаракатига раҳбарлик қилаётган Франция коммунистик партиясига ва касаба союзларга қарши пропаганда ўти очмоқда. Мао-Цзэ-дун пропагандистлари француз коммунистларини «ренегатлар» деб, умуммеҳнат конфедерациясининг ва Франциядаги бошқа касаба союз бирлашмаларининг раҳбарларини эса «сариқ касаба союзларининг корчалонлари», деб атамоқдалар.

Хитойда маочилар «бирдамлик намойишлари»дан айни вақтда Совет Иттифоқига қарши қутириб туҳмат қилиш учун ҳам фойдаландилар. Мао Цзэ-дуннинг авантюристин группаси ҳар қандай кампанияни, ҳар қандай воқеани КПССнинг ленинча сиёсатига қарши, мамлакатимизнинг ҳукуматига ва халқига қарши ифлос бўхтонлар ёғдириш учун баҳона, деб билмоқда.

Империалистик мамлакатларнинг буржуа матбуоти ҳам маочиларнинг Советларга қарши йўл тутаётганликлари учун, бутун дунёда антиимпериалистик кучлар сафига нифоқ солаётганликлари учун улардан ўзларининг миннатдор эканликларини намойиш қилмоқдалар. Хитойда одамларни кўпчилик олдида қатл қилиш кўпайиб кетганлиги, олимлар ҳақоратланаётганлиги, жаҳон адабиёти классикларининг асарлари гулханларда ёндирилаётганлиги каби воқеалар тўғрисида буржуа газеталари дерли оғиз очмаётганлиги очиқ кўриниб турган факт-ку, ахир.

(ТАСС).

ЯНА 800 МИНГ КИШИ АРМИЯГА ЧАҚИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Қўшма Штатлар агрессив ташқи сиёсат ўтказишни давом эттириб, ўз қуролли кучларининг сонини тўхтовсиз кўпайтирмоқда. Пентагоннинг расмий маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда АҚШ армияси 3,5 миллион кишидан ошиб кетди.

АП агентлигининг хабарида айтилишича, АҚШнинг Вьетнамдаги уруш ҳаракатлари кенгайиб бораётганлиги Америка қуролли кучлари сонини кўпайтиришга биринчи галда сабаб бўлмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45—3, Обидов чалади. 8.25 — Д. Зокиров ва Ф. Содиқов асарлари. 9.30—Енгил куйлар. 9.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат (тонг.). 11.15 — Қўриқ шунқорлари (рус.). 11,25 — Концерт. 12.15—«Замондошлар». 13.30 — Концерт (ЎзТАГ ходимларининг талабларига мувофиқ). 16.10 — Концерт (ЎзТАГ ходимларининг талабларига мувофиқ). 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — Концерт (талабларга мувофиқ). 18.00 — Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида (суҳбат). 18.10 — Куйлар. 19.20 — Концерт. 20.00 — «Индустрлашган Ўзбекистон (радиожурнал. рус). 20.30 — Концерт (саноат ходимлари учун, (рус.). 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21,10 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 21.30 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. «Социализмдан коммунизмга» (суҳбат). 22.20 — Қўшиқлар. 22.40 — А. Навоий туғилган кунинг 525 йиллиги олдидан. «Шеърият аҳлининг буюк мураббийси» (суҳбат). 23.15—Лирика кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар.** 18,15 — Фильмотека жавонида (болалар учун киноэшиттириш). 18.55 — **Замондош** (телеочерк). 19.10 — **Диққат, газ** (реклама). 19.25 — **Яхши кайфият** (концерт).

Ўзбек тилида: 20.00 — **Телеянгиликлар.** 20.15 — **Устоз ва мураббий.** 20.50 — **Ноз-неъмат бунёдкорлари** (сабзавоткорлар учун). 21.30 — **Кино янгиликлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18,00 — Ўқув эшиттиришлар программаси. **Инглиз тили** (студентлар учун). 18.30 — **Иншони қандай ёзиш керак?** (олий ўқув юртларига кирувчилар учун). 19.00 — **Математика** (ўзбек тилида).

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Ботир тойчоқ** (болалар учун кинофильм). 20.20 — **Концерт.**

Рус тилида: 21.20 — **Васильевна** (ҳужжатли фильм). 21.35 — **31-бўлим** (телеспектаклнинг иккинчи ва учинчи серияли).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/VI да **Ўғил уйлантириш**, 8/VI да **Навоий Астрободда.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Олга, Франция! — САНЪАТ САРОЙИ, «ДРУЖБА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Жиноятчи қолдирган из — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Плюшчихдаги «Уч терак» — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларда ишлаш учун:

кафедра доцентлари: марксча-ленинча фалсафа (ўзбек тилида);

мутахассисликлар бўйича ўзбек тилида катта ўқитувчилар: сиёсий иқтисод (2 ўрин), одам анатомияси ва физиологияси курси бўйича;

мутахассислик бўйича ўқитувчилар: СССР тарихи, жисмоний тарбия, математика, музика (ўзбек тилида), рус тили (2), чет эл адабиёти.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ариза ва ҳужжатлар Термиз шаҳар, Фрунзе кўчаси, 43-уйга юборилади.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларда ишлаш учун:

доцентлар, кафедралар бўйича катта ўқитувчилар ва ўқитувчилар: фалсафа ва илмий коммунизм, миллий группаларида рус тили, умумий тилшунослик, техник воситa.

Конкурс муддати — 1968 йил 29 июнгача.

Адреси: Тошкент шаҳар, 110, Литературная кўчаси, 4-уй.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант вазифаларга:

кафедра мудирлари (профессорлар ёки доцентлар): химия, қишлоқ хўжалигида сув таъминоти, қурилиш материаллари ва ишлари, чизма геометрия ва чизмачилик, қишлоқ хўжалик машиналари, машиналар ремонти назарий механика, гидромелиоратив ишлари технологияси ташкил қилиш, электротехниканинг назарий асоси, социалистик қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисоди, сув энергиясидан фойдаланиш;

кафедра профессорлари ёки доцентлари: гидромелиоратив системалари эксплуатацияси (2 ўрин), қишлоқ хўжалигида электр энергияси ишлаб чиқариш ва тарқатиш, КПСС тарихи (ўзбек тилида), қисоблаш математикаси, қишлоқ хўжалик мелиорацияси (3 ўрин), қишлоқ хўжалигида сув таъминоти, қурилиш материаллари ва ишлари, инженерлик конструкцияси, асос ва пойдеворлар, сув энергиясидан фойдаланиш, чизма геометрия ва чизмачилик, металлар технологияси, машиналар ремонти, физика, социалистик қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисоди, механизмлар назарияси ва машиналар детали (2), сиёсий иқтисод (ўзбек тилида), рус тили, қурилиш механикаси, химия, электротехниканинг назарий асоси, қишлоқ хўжалик аҳоли пунктларини планлаштириш ва ободонлаштириш, машина-трактор парки эксплуатацияси;

кафедра катта ўқитувчилари: илмий коммунизм (ўзбек тилида), чет тиллари (немис), жисмоний тарбия (2), сув оқимини бошқариш, металлар технологияси, автомобиль ва тракторлар (2), қишлоқ хўжалик машиналари, қурилиш механикаси, физика, назарий механика (ўзбек тилида), электротехниканинг назарий асоси, қишлоқ хўжалик аҳоли пунктларини планлаштириш ва ободонлаштириш, механизмлар назарияси ва машиналар детали (2), ички ёниш двигателлари, чизма геометрия ва чизмачилик; Самарқанд ўқув-консультация пунктига — деҳқончилик ва тупроқшунослик;

кафедра ассистентлари: қишлоқ хўжалик мелиорацияси, гидравлика, инженерлик конструкцияси, асос ва пойдеворлар, сув энергиясидан фойдаланиш, гидромелиоратив системалари эксплуатацияси, чизма геометрия ва чизмачилик, механизмлар назарияси ва машиналар деталь металлар технологияси, қишлоқ хўжалик машиналари, машиналар ремонти, физика; олий математика (Кўқон ўқув-консультация пунктига);

Кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия (2),

Конкурс муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Учительская кўчаси, 39-уйга юборилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834790. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалик — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036. 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 836142. Коммутатор — 839249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 49—85, Бухоро 31—41, Қарши 3 — 06, Нукус 42 — 62. Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55

Б № — 131. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р — 08491.